

ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА ТЎЛОВСИЗЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Сайфиддинов Илхом Файзиддинович
Тошкент молия институти катта ўқитувчиси, и.ф.н.
E-mail: sayfidinovif@mail.ru

Ахмедова Дилафруз Элшодовна
Тошкент молия институти катта уқитувчиси
E-mail: ahmedovadilafruz79@gmail.com

Аннотация: Мақолада глобал иқтисодий инқироз шароитида тўловсизлик масалалари кўриб чиқилган ва тадқиқ этилган. Тўловсизлик билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари асосида мамлакатда тўлов интизомини мустаҳкамлашга йўналтирилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: Тўлов, тўлов айланмаси, тўловсизлик, тўлов интизоми, макроиқтисодий барқарорлик, монетизация коэффициенти, ЯИМ (ялпи ички маҳсулот), пул массаси, пул агрегати (M_2), пул оқими, инвестиция, тижорат банки, кредит фоизи, дебиторлик қарзлари, кредиторлик қарзлари, реструктуризация.

Abstract: The article discusses the ways to overcome the problem of insolvency in the current global economic crisis. It also discusses in detail the ways to overcome the problem of insolvency. Opinions and conclusions were formed on insolvency, macroeconomic stability, competitiveness of the national economy, investment environment, strengthening of payment discipline.

Key words: payment, payment turnover, insolvency, payment discipline, macroeconomic stability, monetization coefficient, GDP (Gross Domestic Product), money supply, money aggregate (M_2), cash flow, investment, commercial bank, loan interest, accounts receivable, accounts payable.

Кириш

Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш учун дастлаб тўловсизликларга барҳам бериш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш мамлакатимиз тўлов айланмасидаги аҳволни яхшилашнинг асосий йўналиши сифатида эътироф этилмоғи лозим. Чунки, энг аввало, тўловсизликларга барҳам бермасдан ва тўлов интизомини мустаҳкамламасдан туриб, иқтисодиётни барқарор ривожланиши шароитида тўлов айланмасидаги ҳақиқий аҳволни яхшилаб бўлмайд.

Иқтисодиётни барқарор ривожланиши шароитида тўловсизликлар, кўп жиҳатдан, бир қанча ишлаб чиқаришларнинг самарасизлиги туфайли вужудга келганлиги учун иқтисодиётнинг реал секторидаги вазиятни принципиаль яхшилашнинг шартларидан бири ундаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўлиб, бунинг натижасида талабга эга бўлмаган маҳсулот ва бозорий келажакка эга бўлмаган корхона бозордан чиқиб кетиши лозим. Одатда, бозорий келажакка эга бўлмаган корхоналар тўловсизликлар

занжирида бошланувчи ҳисобланади ёки улар ўз маҳсулотларининг баҳоларини ошириб, истеъмолчиларда моддий харажатлар қўшимча ўсишининг омили бўлиб хизмат қилади.

Тўлов айланмасига хос бўлган муаммолардан бири бу тўловсизликлар муаммоси эканлиги кўриниб турибди. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширилиши иқтисодиётнинг реал секторига эътиборни кучайтиришнинг зарур эканлигини яна бир бор кўрсатапти. Айни вақтда “банк - корхона”нинг ўзаро таъсирчанлигини фаоллаштиришда бир неча омиллар тўсиқ ролини ўйнамоқда. Хусусан, тижорат банки учун кредит фоизининг юқори даражада эканлиги, кўп жиҳатдан, доимий бўлиб қолаётган тўловсизликлар билан белгиланмоқда.

Банкдан кредит олган корхона, қиёсий жиҳатдан барқарор молиявий аҳволга эга бўлса-да, ўзининг интизомсиз ҳамкорлари туфайли тўловсизликлар занжирига тортилиб қолиши ва бунинг натижасида эса, банкка кредитни қайтариш ва унга фоиз тўлаш имконига эга бўлмасдан қолиши мумкин.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Тўлов айланмасининг моҳиятини аниқлаш мақсадида Г.А.Шварц томонидан берилган таърифда, кўриниб турибдики, тўлов айланмаси пулни бир функцияси, яъни тўлов воситаси функцияси билан боғланган. Ана шуни ҳисобга олган ва ундан келиб чиққан ҳолда у ўзига хос бўлган қуйидаги мантиқий хулосага келган: “Тўлов айланмаси пул айланмасининг бир қисми ҳисобланади”. Бу чиқарилган хулосадан кўриниб турибдики, тўлов айланмаси ҳар доим миқдор ва ҳажм жиҳатидан пул айланмасидан кичик бўлиши керак.

М.П.Березинанинг фикрига кўра, “...пул айланмасининг асосий қисмини тўлов айланмаси ташкил этиб, унда пуллар тўлов воситаси сифатида амал қилади”[1]. Бошқа бир гуруҳ иқтисодчи-олимларнинг қарашларига биноан “тўлов айланмаси компаниялар ва корхоналар пул айланмасининг бир қисми бўлиб, унда пулнинг тўлов воситаси, мажбуриятларни ўзиш (қайтариш) воситаси сифатидаги ҳаракати акс этади”[2]. А.Б.Борисов томонидан ҳам илгари сурилади: “Тўлов айланмаси пулнинг тўлов, мажбуриятларни қайтариш (ўзиш) воситаси сифатидаги ҳаракатини акс эттирадиган корхоналар, компаниялар пул айланмасининг бир қисмидир. Тўлов айланмасининг асосий қисмини материалларни етказиб берувчиларга тўловлар, иш ва хизматлар учун тўловлар ташкил этади. Тўлов айланмаси нақд пулли ва нақд пулсиз шаклларда амалга оширилади”[3].

Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, тўлов айланмасининг моҳиятини аниқлашга хизмат қилувчи юқоридаги ёндошувлардан фарқли бўлган ёндошувлар ҳам мавжуд. Ана шундай фарқ қилувчи ёндошув муаллифларидан бири А.М.Косой ҳисобланади. У ўзининг илмий тадқиқотлари натижаларига ва амалиётдаги ҳақиқий ҳолатга сўянган ҳолда пулнинг тўлов воситаси сифатида фойдаланиш асосида вужудга келадиган тўловлар мажмуи содир бўлаётган тўловларнинг бир қисмидан иборат эканлигини, пул айланмасининг ҳар қандай қисми пулнинг турли функциялари бажарилишига асосланганлигини исботлаб берган[4].

Тадқиқот методологияси

Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Таҳлил натижалари

Тўлов айланмасининг муаммолари, энг аввало, уни амалга ошириш ҳозирги амалиётининг замонавий бозор иқтисодиёти талабларига етарли даражада жавоб бераолмаётганлиги билан белгиланишини кўрсатди ва уларнинг, асосан, қўйидагилардан иборат эканлигини аниқлаш имконини берди:

- тўлов айланмасининг етарли даражада барқарорлик касб этмаётганлиги;
- тўлов нисбатларининг бузилишига йўл қўйилаётганлиги;
- тўловларнинг иқтисодий асосларидан чекиниш ҳолларининг содир бўлаётганлиги;
- тўловсизликларнинг даражаси, айрим саналарда, юқори кўринишга эга бўлаётганлиги;
- амалиётда тўлов айланмасининг ролига етарли даражада баҳо берилмаётганлиги;
- тўлов айланмаси корхона ва ташкилотларни кредитлашнинг асосий субъекти сифатида фойдаланилмаётганлиги оқибатида тижорат банкларининг кредит рисклари, кўп жиҳатдан, ана шунга боғлиқ бўлиб қолаётганлиги;
- тўловсизликнинг асосий сабабларини ва хўжаликдаги эскириб қолган муддати ўтган кредиторлик қарзларининг реструктуризация қилиш масала-ларини аниқлаш ўзининг ечимини талаб қилаётганлиги;
- мамлакатимизда монетизация коэффицентининг амалдаги даражасини халқаро амалиётда қабул қилинган андозавий даражага (камида 40%) нисбатан сезиларли даражада паст эканлиги.

Корхоналар каттагина қисмининг тўловга қобилсизлиги шароитида иқтисодиёт реал секторини кредитлашни фаоллаштириш вазифаси бошқа бир муҳим вазифа, яъни банк тизими ўзининг молиявий барқарорлигини сақлаб қолиш вазифаси билан зиддиятлашади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда иқтисодиёт реал ва молиявий секторларининг ўзаро таъсирчанлигини қайта тиклаш ва кучайтиришга қаратилган ислохотларнинг умумий йўналиши нуқтаи-назаридан тўлов айланмасининг энг муҳим муаммоси сифатида тўловсизликлар муаммосининг шу жараёнга тўсқинлик қилувчи асосий омил сифатида қаралиши, бизнинг фикримизча, жуда асосли бўлиб, у ўзига хос долзарблик касб этади.

Юқорида таъкидлаганмиздек, тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажмининг ўсиш тенденцияси миллий иқтисодиётнинг пул билан таъминлан-ганлик даражасининг аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов қобилиятининг ортишига олиб келади. Бироқ мамлакатимизда монетизация коэффиценти даражасининг нисбатан паст эканлиги кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, корхоналар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик муаммосини чуқурлаштиради.

Юқоридаги тартибга риоя қилган ҳолда мамлакатимизда монетизация коэффицентининг мавжуд даражасига қиёсий баҳо бериб ўтамыз, (1-жадвалга қаранг).

Маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда монетизация кўрсаткичлари динамикаси 2016-2020 йилларда бир тенденцияга эга эмас. Бу ҳолат, биринчидан, монетизация коэффицентининг паст эканлиги иқтисодиётда ўзаро тўловсизлик муаммосини чуқурлаштиради, иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларининг пул оқимини заифлаштиради, учинчидан, тўлов қобилиятини

рафбатлантиришга тўсқинлик қилади ва пулнинг айланиш тезлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида монетизация кўрсаткичларининг динамикаси¹

01.01.2020

№	Йиллар	ЯИМ (трлн. сўм)	Пул массаси M ₂ (трлн. сўм)	Монетизация Кoeffициенти
1.	2016	210,2	40,6	19,3
2.	2017	242,5	50,3	20,7
3.	2018	302,5	70,8	23,4
4.	2019	407,5	80,2	19,7
5.	2020	537,8	91,3	17,0

Бизга маълумки, тўловсизлик муаммоси 2019 йилининг 1 октябрида 93 трлн. сўмни ташкил этган, корхоналар ўртасида дебиторлик қарзлари ўтган йилга нисбатан 16,5 мартага ошди. Чунки ҳозирги пайтда бу дебиторлик қарзларини тўлаш учун иқтисодиётимиз етарли даражада пул билан таъминланмаган, бу ҳолатни юқоридаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

2019 йилнинг якунлари бўйича Республикамиз иқтисодиётини пул билан таъминланганлиги даражаси 15,7 %ни ташкил этган. Ҳол буки, Жаҳон банки экспертларининг фикрига кўра агар монетизация коэффициенти 40%дан паст бўлса бу иқтисодиётда тўловсизлик муаммосини ҳал қилиб бўлмайди. Биз ҳозирги кунда биринчи навбатда тўловсизлик муаммосини ҳал қилишимиз лозим. Иккинчидан кредитларнинг фоиз ставкасини пасайтиришимиз лозим. Ҳозирги кунда иқтисодиётни пул билан таъминлайдиган икки канал ҳам ёпиғлигича қолмоқда, биринчидан кредитларнинг фоиз ставкаси жуда юқоридир, иккинчидан ана шу кредитларнинг қимматлашуви кредит олувчининг рентабеллигидан юқоридир, бизга маълумки, агар кредитлар фоиз ставкаси корхоналарнинг рентабеллигидан юқори бўлса, кредитлар ўз вақтида қайтмаслиги муаммоси келиб чиқади ва тижорат банклари кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар салмоғининг ошишига олиб келади.

Маълумки, тўловсизликлар муаммосини умумий қарзлар эмас, балки тўлаш муддати ўтиб кетган қарзлар шакллантиради. Тўловсизликларнинг кўрсаткичи сифатида, одатда, тўлаш муддати ўтиб кетган кредиторлик қарзларидан ва айнан корхона ва ташкилотларнинг мажбуриятлари бўйича тўлаш муддати ўтиб кетган қарзларнинг жами кўрсаткичидан фойдаланилади. Бу кўрсаткич ўзининг тўлаш муддати ўтиб кетган қарзларини (яъни, товарлар, ишлар ва хизматлар, шу жумладан моддий бойликлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчилар, кредиторлари билан ҳисоб-китоблар бўйича қарзлар; «шуъба» корхоналар бўйича қарзлар; олинган аванслар бўйича қарзлар; бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар бўйича қарзлар; иш ҳақи бўйича ишчи ва хизматчилар билан қарзлар ва б.) ҳамда банк кредитлари ва олинган қарзлар бўйича тўлаш муддати ўтган қарзларни ўз ичига олади.

Бир вақтнинг ўзида, хўжалик юритувчи субъектлар балансидаги қарздорлик «кўзга кўринадиган» қарздорлик эканлигини ҳам эсдан чиқармас-лик лозим. Чунки

¹ *ЯИМ-Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилди-www.stat.uz.

⁶ *Пул массаси M₂ - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилди- www.cbu.uz.

амалиётда корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларда бартер ва бошқа пул суррогатларининг қўлланишини қарздорлик ҳақиқий суммаларининг маълум бир қисмини «яшириб» туради.

Юқоридагилардан ташқари, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш давомида тадқиқот объектининг ўзгарганлиги ва ҳатто бизнесни ташкил қилишнинг ўзи ҳам кескин ўзгарганлиги эътибордан четда қолмаслиги керак. Чунки амалиётда, айрим ҳолларда, расмий номнинг орқасида бутун бир молиявий гуруҳнинг тураётганлиги ҳам сир эмас. Бу фақат статистика органлари ва солиқ хизматларига кўриниши мумкин бўлган ва молиявий ресурсларнинг унча катта бўлмаган қисмини (мажбурий тўловларни қисман тўлаш, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи бериш ва б.) бошқарадиган ҳамда расмий равишда қайд этилган молия-саноат гуруҳи бўлиб қолмаслиги мумкин. Ҳақиқатда эса, бу ерда молиявий оқимларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятдан ажратилади ва гуруҳнинг бошқа махфий иштирокчилари - турли молиявий воситачилар, оффшорлар, хусусий шахслар ва бошқалар - ўртасида қайта тақсимланади. Шунингдек, бу жараёнда, яъни гуруҳ ичкарасидаги ҳисоб-китобларда ўзаро ҳисобга олишлардан кенг фойдаланилади. Бундай ҳолатларда тўловсизликлар, асосан, фиктив характерга эга бўлиб, улар бир гуруҳ ичидаги иштирокчиларнинг ўзаро ҳисоб-китобларида вужудга келади ва ликвидликни яшириш ҳамда солиқлардан қочиш мақсадларига хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, тўловсизликларга барҳам бериш, соғлом бозор муносабатларини йўлга қўйиш борасида қандай кескин чоралар қўлланилишига қарамасдан иқтисодиётни барқарорлаштирмасдан, молиявий бозор ва иқтисодиётнинг реал секторидаги ўзаро боғлиқликларнинг қонуниятларини тикламасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бир вақтнинг ўзида, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида соғлом пул оқимларини йўлга қўймасдан уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам бу муаммоларни комплекс тарзда ва ўзаро боғлиқликда ечмоқ лозим.

Бизнинг фикримизча, тўлов айланмасига хос бўлган нотўловлар вужудга келишининг асосий сабабларидан яна бири молиявий бозорнинг иқтисодиёт реал секторидан ажралиб қолганлигидир. Ҳақиқатдан ҳам, амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсатишича, молиявий бозор ва иқтисодиёт реал секторининг органик равишда ўзаро боғлиқлиги ва таъсирчанлигини қайта тикламасдан, банклар ва корхоналарнинг ўзаро таъсирчанлигини фаоллаштирмасдан, жамғармаларни унумли инвестицияларга айлантириш жараёнида молия-банк сектори томонидан молиявий воситачи функциясини самарали бажармасдан туриб нотўловлар муаммосини ҳал қилишга эришиш мумкин эмас. Чунки нотўловлар бу корхоналар учун айланма маблағларни тўлдиришга кредит олиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга инвестицияларни амалга ошириш имкониятининг йўқлиги натижасидир. Шундай бўлишига қарамасдан, бу жараёнга кескин тўсқинлик қилувчи бир неча ҳолатлар ҳозирги пайтгача сақланиб қолмоқда. Тижорат банклари нуқтаи-назаридан уларнинг таркибига, бизнинг фикримизча, қўйидагилар кириши мумкин:

- иқтисодий реал секторидаги корхоналар катта қисми молиявий аҳволининг қониқарсизлиги;

- кредит риси юқори даражадалигининг сақланиб қолаётганлиги;

- олдин берилган кредитлар бўйича тўлаш муддати ўтиб кетган қарздорликнинг ўсаётганлиги;

- корхоналар кредитга бўлган тўловга лаёқатлигининг пастлигида ифодаланаётган молиявий бозорлардаги операцияларнинг даромадлилиги ва ишлаб чиқариш соҳасини кредитлаштириш ўртасидаги номувофиқлик;

- иқтисодий реал секторида кредитларни бошқариш тажрибасининг етарли эмаслиги (дефицитлиги);

- ва бошқалар.

Корхоналар томонидан юқоридаги жараёнга тўсқинлик қилаётган ҳолатлар, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

- молиявий салоҳиятнинг пастлиги;

- моддий ресурслардан самарасиз фойдаланиш;

- кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг юқори даражада эканлиги;

- ишлаб чиқариш рентабеллигининг пастлиги;

- олинган маблағларни “ишлатиш” имкониятининг етарлиги эмаслиги;

- кредит жалб қилинаётган лойиҳаларни иқтисодий ва юридик жиҳатдан саводли тайёрланмаётганлиги;

- ва бошқалар.

Юқоридаги хулосалардан глобал иқтисодий инқроз шароитида мамлакатимизда тўловсизлик муаммоларини бартараф этиш ва тўлов айланмасидаги аҳволни яхшилашнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқиляётган пайтда, албатта фойдаланмоқ лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 15 август.

2. Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.-Т: Ўзбекистон, 2017.

3. Березина М.П. Безналичные расчёты в экономики России. Анализ практики. – М.: АО «Консалтбанкир», 1997. –с.5.

4. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: Инфра-М, 2000. – с. 288.

5. Борисов А.Б. Большой экономический словарь. – М.: Книжный мир, 2003. – с. 895.

6. Косой А.М. Платежный оборот: исследование и рекомендации. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 264 с.

7. Достов В.Л., Шуст П.М., Валинурова А.А., Пухов А.В. (2012) Электронные финансы. Мифы и реальность/ -М.:КНОРУС: ЦИПСИР, -232 с.

8. Платежные и расчетные системы. Международный опыт. Инновации в розничных платежах. Выпуск 43. Выпуск подготовлен Департаментом национальной платежной системы Банка России. - С.8 (www.cbr.ru)

9. Рахимова Х.У. (2016) Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия. - 299 б.

10. Рахимова Х.У. (2017) Электронная коммерция в Узбекистане: состояние, проблемы и пути развития. - Т.: Молия. - 111 б.

11. Taraqqiyot.uz сайти <http://taraqqiyot.uz/2018-yil-faol-tadbirkorlik-innovatsion-goyalar-va-tekhnologiyalarni-k-ullab-k-uvvatlash-yili>